



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
2-сон



БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
То‘лқин Ismatulla o‘g‘li Yahyojev Qurilish korxonalarida moliyaviy holat tahlilini takomillashtirishda korrelyatsion tahlil xususiyatlari	154
Ашур Али Рустам ўғли Латипов Аҳолининг бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар ва уларни аниқлаш йўллари	161
Ойбек Мадатович Эсанов Ўзбекистон Республикасида кўчмас мулкларнинг ҳисобини такомиллаштириш масалалари	167
БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шодиёр Абдихалилович Султонов Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни	171
Акмал Абдувалиевич Абдусаидов Нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг худудий хусусиятлари ва ишлаш технологияси	175
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Инатилло Убайдуллаевич Нематов Олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришда маркетинг стратегиясидан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатлари	181
Iroda Yormamatovna Beknazarova Ingliz tilini muammoli o‘qitish texnologiyasidan foydalangan holda o‘rgatish	188
АТРОФ-МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ	
Shohista Bobobekovna Toyirova Muhofaza qilinadigan hududlarning tashkil etilishining jamiyat va tabiat munosabatlaridagi ahamiyati	191
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Ҳақиқий бахт Донишмандлар айтган саккизта ҳикматлар	197

БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ

Гулнора Мардиевна Шадиева – СамИСИ и.ф.д., проф. в.б.

Шодиёр Абдихалилович Султонов – СамИСИ доценти, и.ф.н

АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЎРНИ

Аннотация: мақолада аҳоли бандлигини таъминлаш ва миллий иқтисодиётимизни ривожланишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тутган ўрни ва аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, сўнги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар натижаси таҳлил қилиниб, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган амалий тавсиялар таклиф қилинган.

Таянч сўзлар: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, бандлик, ишсизлик даражаси, ялпи ички маҳсулот, меҳнат ресурслари, бизнес юригиш, кичик корхона ва микрофирмалар.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган иқтисодий-ижтимоий беқарорликнинг салбий таъсири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик самарали ривожланган мамлакатларда нисбатан кучсиз бўлмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари энг илғор тажрибаларга асосланган АҚШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Канада, Норвегия, Нидерландия, Гонконг, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа бир қатор давлатларда бу борада ижобий ҳолатлар кузатилган¹. Шунингдек, «жаҳон тажрибасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлатнинг қўмагисиз жуда секин ривожланаётганлиги ҳам барчага маълум»². Шундай экан, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш, тадбиркорларга яхши шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бутун дунёда ва мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланишнинг ташкилий иқтисодий масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса олиб бораётган илмий изланишларимиз долзарблигини ифодалайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг фундаментал масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган, жумладан, Й.Шумпетер, А.Смит, Р.Хизрич, П.А.Самуэльсон, Н.В.Василенко Н, А.О.Блинов, .Е.Симионова М.М.Максимцев, В.Я.Горфинкель (ва бошқалар) каби олимлар тадқиқотларида илмий-амалий жиҳатдан ўрганилган. Шунингдек, мамлакатимизда ҳам иқтисодчи олимлардан, меҳнат бозорида ижтимоий-меҳнат муносабатлари каби масалалар Қ.Х.Абдураҳмонов³ томонидан, кичик бизнес ривожланишининг назарий ва амалий аҳамияти, меҳнатни ташкил этиш хусусиятлари эса З.Я.Худойбердиев, Б.Х.Умурзаков⁴лар

¹ https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32436/9781464814402_Ch06.pdf; Калинин А.В. Анализ развития и состояние малого и среднего бизнеса в мире // Экономика, предпринимательство и право. – 2011. – № 4. – С.3-12. – <http://epp.enjournal.net/article/313/>; Арипов О.А. Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши. – Т.: «Наманган» нашриёти, 2018. – 213 б.; Роль субъектов малого и среднего бизнеса предпринимательства в экономиках развитых стран. - <https://cyberleninka.ru/article/n/>.

² Ильин И.Е. Малый бизнес в России: проблемы и перспективы // Банковское кредитование. – 2008. – № 2. С.153–156.

³ Абдураҳмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти. Олий ўқув юртлири учун дарслик. Т.: «Меҳнат», 2009. – С.512.

⁴ Умурзаков Б.Х. Теоретические и практические аспекты развития сферы малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан. Монография. – Т.: «Iqtisodiyot». 2011.

томонидан, кичик бизнеснинг назарий асослари М.Р.Болтабоев, М.С.Қосимова¹лар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аҳолини иш билан бандлиги Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Муротқобилов А.А., Раҳимов Ҳ.А. Д.Н.Раҳимова, Н.Х.Раҳимова, Н.Қ.Зокирова²лар ва бошқаларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган.

Иқтисодчи олим А.Смит “иш билан бандлик одамларнинг фаолияти ва интилишлари уларнинг шахсий иқтисодий манфаатлари орқали белгиланади” деб таъкидлайди [3]. Э.Р.Сарухановнинг фикрига кўра: “бандлик - ходимлар иштирок этадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир, яъни улар моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва такомиллаштиришда инсонлар фаолиятини амалга ошириш” дир. [4]. Иқтисодчи олим, академик Қ.Х.Абдурахмонов эса иш билан бандлик деганда “фуқароларнинг қонун ҳужжатларига зид келмайдиган ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи ва даромад келтирадиган фаолияти” тушунилади деб таъкидлайди. [5]. Иқтисодчи олима Г.Қ.Абдурахмонованинг фикрича “Илмий адабиётларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик моҳиятига ёндашишда асосан унинг миқдор кўрсаткичлари - иш билан банд бўлган ходимлар сони, низом жамғармаси ва активларига олинadиган фойда ҳажмига эътибор қаратиб келинади. Аммо, кичик бизнеснинг миқдор кўрсаткичларига қараганда унинг сифат хусусиятлари - кичик бизнеснинг бозор иқтисодиётининг асоси, рақобат муҳитини шакллантирувчи энг муҳим субъектлиги, бозорда бир турдаги маҳсулот ва хизматларга табақалашган нархни шакллантиришга қодирлиги ва бошқалар муҳим”³.

“Аҳоли бандлиги” деганда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 августдаги “аҳоли бандлиги тўғрисида”ги ЎРҚ-642-сонли қонунининг 4- моддасида келтирилишича “Бандлик фуқароларнинг қонунчиликда тақиқланмаган, ўз шахсий ва ижтимоий эҳтиёжларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган, уларга иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган фаолияти” тушунилади. Бизнеснинг фикримизча, инсонни муносиб ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган пул маблағлари билан таъминланишини кўрсатувчи ижтимоий муносабатладир.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга оид Фармон ва Қарорлари шунингдек, тизимли ёндашув, қиёсий ва таркибий таҳлил, кузатиш, статистик гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистоннинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишга эътиборнинг кучайтирилиши ҳамда бизнес юритиш шарт-шароитларининг тубдан яхшиланиши натижасида бизнес юритиш ҳамда ишбилармонлик муҳити бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида мамлакат рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланиб, унга кўра республиканинг мазкур рейтингда 20-ўринга эришишини назарда тутувчи «Бизнес юритишни яхшилаш – 2022» мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар қаторида «...бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бўлиб қолади»⁴. Сўнгги йилларида мамлакатимизда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратди. Олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, “аҳоли

¹Болтабоев М.Р., Қосимова М.С., Ғойибназаров Б.К., Эргашхўжаева Ш.Ж., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. – Т.: Ношир, 2011. – 280 б.; Абдуллаев Ё., Юлдашев Ш. Малый бизнес и предпринимательство. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2008. – С.340;

²Зокирова Н.К., Шоюсупова Н.Т., Габзалилова В.Т., Абдурахманова Г.К. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, 2013. – С.272; Пардаев М.Қ., Мамасоатов Т.Х., Муротқобилов А.А., Раҳимов Ҳ.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ривожланиш муаммолари ва ечимлари. Монография. – Т.: «Наврўз» нашриёти, 2013. – 172 б.

³Абдурахмонова Г.Қ. Кичик бизнесда аҳолини иш билан таъминлаш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2014. 54-б

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь

бандлигини ошириш мақсадида аҳолининг реал пул даромадлари ва харид қобилиятини ошириш, кам таъминланган оилалар сонини ва даромадлар бўйича фарқланиш даражасини янада камайтириш, янги иш ўринларини яратиш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини камайтириш” асосий вазифа сифатида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ва «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармоннинг олтинчи устувор йўналишининг 85-мақсадида: “мамлакатда янги иш ўринлари яратиш, аҳоли даромадларини ошириш ва шу орқали 2026 йил якунига қадар камбағалликни камида 2 бараварга қисқартириш, яъни камбағалликни қисқартириш давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, норасмий ишлаётган 2,5 миллион нафар фуқаронинг бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёزلардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизларни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш, иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш кабилар ҳам аниқ кўрсатиб ўтилган¹.

Бугунги кунда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоси жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим макроиқтисодий хусусиятларидан бири бўлиб иқтисодиётда алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳоли бандлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида 2020 йил 20 октябрда “Аҳоли бандлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу Қонунда бандлик аҳоли бандлиги соҳасидаги асосий принциплар, давлат бошқаруви органларининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари, маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг аҳоли бандлиги соҳасидаги ваколатлари каби масалалар атрофида ёритилган.

Иш билан бандлик самарадорлигининг хусусиятларидан бири меҳнатга қобилиятли аҳолининг иш билан таъминланганлик даражасидир. Иқтисодий жиҳатдан бу кўрсаткич аҳолининг иш ва иш ўринларига бўлган эҳтиёжини акс эттиради.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) услубияти бўйича иш билан банд эмаслик даражаси ишсизлар сонининг меҳнат ресурслари сонига бўлган нисбат билан тенглашади. У ишчи кучига бўлган талаб ва тақлифидаги тузилмавий номуносивбликни кўрсатади ва бу билан бўш иш жойлари учун иш излаётган шахсларнинг бир вақтда мавжудлигини англатади.

Қуйидаги жадваллар орқали фуқароларнинг бандлик ва ишсизлик даражаларини билиб олишимиз мумкин (1-жадвал).

Янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича мамлакатимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, “2020 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш параметрлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарорига мувофиқ, республикада 2020 йилнинг биринчи ярим йиллиги ҳолатига меҳнат ресурслари сони 19,1 млн. кишини ташкил этиб, бу кўрсаткич 2019 йилнинг мос даврига нисбатан 0,6 фоизга ошди. Ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳолининг 13,2 фоизни ташкил этган.

Давлат статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, республикада 2022 йилнинг 1 январь ҳолатида ишсизлик даражаси 9,6 фоизни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,9 фоизга камайган бўлса, 2021 йилнинг январь-сентябрь ойларига нисбатан 0,2 фоизга ортган. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатида меҳнат ресурслари сони 19 345,0 минг кишини ташкил этиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 101,1 фоизга ёки 202,6 минг кишига ошган. Иқтисодиёт тармоқларида банд бўлганлар сони 13 538,9 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,3 фоизга (299,3 минг кишига) ошган. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатида расмий секторда банд аҳоли сони 6 196,3 минг кишини ташкил қилиб, 2020 йилнинг шу даврига нисбатан юридик шахсларда банд бўлганлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли сонининг меҳнатга лаёқатли аҳоли сонига нисбати бўйича кўрсаткичлари¹

№	Худудлар	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Ўзбекистон Республикаси	69,2	67,4	68,1	66,0	66,9
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	58,3	62,9	62,9	62,0	60,9
3.	Андижон	73,0	69,6	70,1	66,5	68,2
4.	Бухоро	72,5	70,7	69,3	68,3	67,3
5.	Жиззах	60,0	61,6	67,1	66,2	67,5
6.	Қашқдарё	65,4	64,8	63,9	60,9	62,2
7.	Навоий	72,4	69,2	69,5	66,8	68,3
8.	Наманган	63,4	63,8	66,4	65,0	65,5
9.	Самарқанд	69,7	66,3	65,3	63,2	63,7
10.	Сурхондарё	66,6	65,2	67,0	63,9	64,5
11.	Сирдарё	71,1	70,5	68,9	64,8	64,6
12.	Тошкент	75,2	71,4	71,4	68,2	70,3
13.	Фарғона	69,9	66,0	67,5	65,1	66,2
14.	Хоразм	66,9	64,6	66,1	63,7	64,0
15.	Тошкент ш.	80,8	77,5	80,1	81,7	83,3

сони 6,3 фоизга ёки 314,8 минг кишига ошгани кузатилган. Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра ишга муҳтож бўлганларнинг умумий сони 1 441,8 минг кишини, ишсизлик даражаси иқтисодий фаол аҳоли орасида 9,6 фоизни ташкил этди. 16-30 ёшгача бўлганлар орасида ишсизлик даражаси - 15,1 фоиз, аёллар орасида ишсизлик даражаси эса - 13,3 фоизни ташкил этган.²

Хулоса ва таклифлар. Олиб борилган илмий изланишлар асосида қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, янги иш ўринлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

- хизмат кўрсатиш соҳаларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни;
- хотин-қизларни жалб қилиш мақсадида касаначиликни ривожлантириш;
- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- инфратузилмани ривожлантириш механизмини такомиллаштириш;
- фермер хўжаликларида интенсив технологияларни жорий этишни жадаллаштириш;
- фаолият олиб бормаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини имтиёзли кредитларни йўналтириш орқали тиклаш ва бошқалар.

Юқоридаги таклифларнинг амалга ошиши нафақат соҳанинг иқтисодий ривожланиши, балки, аҳолини иш билан бандлигига ва даромадларининг ўсишига хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

² Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси маълумотлари.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрирда). –Т., 1998. 4-10 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ -4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон. 5.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. В 2 т. М.: Наука, 1993. – 570 с.
4. Саруханов Э.Р. Проблемы занятости в период перехода к рынку. СПб.: СПбУ. ЭФ, 2001.- 254 с.
5. Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти (дарслик). -Т.: Меҳнат. - 2009. -512 б

<p>Г.Шадиёва, Ш.Султонов Роль малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости населения</p>	<p>G.Shadieva, Sh.Sultonov The role of small business and private entrepreneurship in providing employment of the population</p>
<p>Аннотация: в статье рассматривается роль и значение малого бизнеса и частного предпринимательства в обеспечении занятости населения и развитии нашей национальной экономики. Также были проанализированы результаты проведенной работы по развитию малого бизнеса и малого предпринимательства за последний год, и предложены практические рекомендации по обеспечению занятости населения.</p> <p>Ключевые слова: малый бизнес и предпринимательство, занятость, уровень занятости, валовой внутренний продукт, рынок труда, развитие бизнеса, малый бизнес и микрофинансирование.</p>	<p>Abstract: the role and importance of small business and entrepreneurship in ensuring the employment of the population and the development of our national economy is studied in the article. Also, the results of the work carried out on the development of small businesses and small entrepreneurship in the last year were analyzed, and practical recommendations were offered to ensure the employment of the population.</p> <p>Keywords: small business and entrepreneurship, employment, employment rate, gross domestic product, labor market, business development, small business and microfinance.</p>

Акмал Абдувалиевич Абдусаидов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти.в.б., и.ф.ф.д.

НОДАВЛАТ ИШ БИЛАН БАНДЛИК ХИЗМАТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ХУДУДИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ИШЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

<p>Аннотация: Мақола республикамізда нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг зарурати ва ҳуқуқий асослари, нодавлат воситачи фирмаларнинг нурлари бўйича таснифи, нодавлат иш билан бандлик хизмати ривожланишининг ҳудудий хусусиятлари билан боғлиқ муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш йўллари тадқиқ этилган.</p> <p>Калит сўзлар: Меҳнат бозори, нодавлат иш билан бандлик хизмати, ишга ёллаш бюролари, давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматлари, кадрлар агентлиги, ишга жойлаштириш, ишчи кучига талаб, ишчи кучи таклифи, ишсизлик, ижтимоий кафолатлар.</p>
--

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши янги босқичга кўтарилмоқда. Ушбу босқичда республикамізда барқарор ва жадал суръатлар билан иқтисодий ўсишни таъминлаш миллий ривожланиш стратегиясининг бош масаласи ҳисобланади.

Иқтисодий тараққиёт ва инсон салоҳиятини ривожлантиришда аҳолини иш билан бандлиги муҳим омил ҳисобланади. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш унинг тақрор ишлаб чиқарилиши учун зарур шартдир. Шунинг учун аҳолини иш билан

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

2.06.2023 йилда теришга берилди. 21.06.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0045А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023